

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**435** Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Тошкент шаҳрида 2012 йил 5 апрель куни имзоланганлар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-таомиллари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 14 сентябрь,  
ПҚ-1820-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

[www.lex.uz](http://www.lex.uz)